



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Гулистон шаҳри

2022 йил 04 март

4-1201-2202/135-сонли иш

Гулистон туманлараро иқтисодий суди, судья М.Тоғаевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Сайимовни суд мажлиси котиблигида, Ў нинг даъвогар Ўзбекистон Республикаси “В” акциядорлик жамияти манфаатида, жавобгар “Ф” масъулияти чекланган жамиятидан муддатидан олдин муддати келмаган 622 222 222 сўм асосий кредит, муддати ўтган 100 286 359 сўм асосий кредит ва 15 511 000 сўм фоиз қарздорликни ундириш, ундирувни қўшимча жавобгар “П” масъулияти чекланган жамиятига тегишли гаров мулкларига қаратиш ва ушбу мулкни савдолардаги бошланғич сотув нарҳини белгилаш бўйича тушунтириш бериш тўғрисидаги даъво аризаси ва унга илова қилинган хужжатларни даъвогар банк вакили С. (22.01.2022 йилдаги 20-05/241-сонли ишончнома асосида) ва жавобгар ҳамда қўшимча жавобгар раҳбари Ғ. лар иштирокида, ўз биносида, очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Ў (кейинги ўринларда палата деб аталади) даъвогар Ўзбекистон Республикаси “В” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда даъвогар деб аталади) манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “Ф” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда жавобгар деб аталади)дан муддатидан олдин муддати келмаган 622 222 222 сўм асосий кредит, муддати ўтган 100 286 359 сўм асосий кредит ва 15 511 000 сўм фоиз қарздорликни ундиришни, ундирувни қўшимча жавобгар “П” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда қўшимча жавобгар деб аталади)га тегишли бўлган гаров мулки ҳисобланган Сирдарё вилояти, Гулистон туман, “Ахиллик” МФЙ, “Бўстон” кўчаси, 70-уйда жойлашган кадастр рақами 12:02:04:05:01:0608 бўлган “Мебел ишлаб чиқариш цехи ва ёрдамчи биносига қаратишни ва ушбу мулкни савдолардаги бошланғич сотув нарҳини белгилаш бўйича тушунтириш беришни сўраган.

Ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган палата суд мажлисига келмади ва вакил(лар)и иштирокини таъминламади. Бундай ҳолатда суд, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 170-моддасига асосан, ишни унда мавжуд материаллар асосида палата вакил(лар)и иштирокисиз кўришни лозим топади.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили даъво талабларини қувватлаб, жавобгар томонидан муддати ўтган кредит қарздорлик ва кредит фоиз қарздорликлар тўлиқ тўланганлигини ҳамда муддатли кредит қарздорлик қисман судга даъво аризаси билан мурожаат қилгандан сўнг тўланганлигини маълум қилиб, даъво талабини қолган қисмини қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган жавобгар ҳамда қўшимча жавобгар раҳбари даъвогарнинг даъво талабини тан олиб, даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилгандан сўнг муддати ўтган кредит қарздорлик ва фоиз қарздорликлар тўлиқ



тўланганлигини ҳамда муддатлик кредит қарздорлик қисман тўланганлигини маълум қилиб, қонуний қарор қабул қилишни сўради.

Суд, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини тинглаб, ишдаги мавжуд ва суд муҳокамаси жараёнида тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра палатанинг даъвогар манфаатида киритган даъво аризасини қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларига кўра, даъвогарнинг Гулистон филиали ва жавобгар ўртасида 2021 йил 16 августда 2021-48-сонли кредит шартномаси тузилган. Шартномага кўра, даъвогарнинг Гулистон филиали “банк” жавобгар “Ф” масъулияти чекланган жамияти “қарз олувчи”га айланма маблағларни тўлдириш мақсадида мебел маҳсулотларини сотиб олиш учун 800 000 000 сўм миқдорида кредит (пул маблағлари ажратиб) бериш, жавобгар эса даъвогарга кредит суммасини шартномада белгиланган муддат ва шартларда қайтариш мажбуриятини олган.

Шартнома йиллик 23 (йигирма уч) фоиз устама тўлаш шarti билан 36 (ўттиз олти) ой муддатга тузилган.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (кейинги ўринларда ФК деб аталади) 744-моддасига кўра, кредит шартномаси бўйича бир тараф - банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Даъвогарнинг Гулистон филиали шартнома шартларини бажариб, жавобгарга айланма маблағларни тўлдириш мақсадида мебел маҳсулотларини сотиб олиш учун 800 000 000 сўм миқдорида кредит (пул маблағлари) ажратиб берган. Бироқ, жавобгар ўз зиммасига олган мажбуриятларни лозим даражада бажармасдан, муддати ўтган асосий кредит ва фоиз қарздорликни ўз вақтида тўламаган. Даъвогарнинг кредит қарздорликни қайтариш ҳақидаги огоҳлантириш хати (талабномаси) эса жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган. Ушбу ҳолат ишдаги мавжуд шартнома, маълумотнома ва бошқа ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топади.

Даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилганидан кейин жавобгар томонидан муддати ўтган 100 286 359 сўм асосий кредит, 15 511 000 сўм фоиз қарздорлик тўлиқ ва 39 643 889 сўм муддати келмаган асосий кредит қарздорлик қисман тўланган. Ушбу ҳолат даъвогар банк вакили томонидан судга тақдим этилган маълумотномаси билан ўз тасдиғини топади.

ФК 236-моддасига асосан мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

ФК 735-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, қарздор олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт.

Тарафлар ўртасида тузилган 2021 йил 16 августда 2021-48-сонли кредит шартномасининг 17.1-бандида кредитор қарз олувчига хабар бериб, қарз олувчининг кредитдан фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиб қўйиш ва/ёки кредитни тўлиқ ёки қисман расмийлаштириш мумкин деб кўрсатилган.

Жавобгар тарафлар ўртасида тузилган 2021 йил 16 августда 2021-48-сонли кредит шартномасининг 17.1 бандига риоя қилмасдан кредит қайтариш учун белгиланган муддатни бузган ва шартнома шартларига амал қилмаган.

ФК 738-моддасига кўра, қарз олувчи қарз суммасининг қайтариб берилишини минлаш юзасидан қарз шартномасида назарда тутилган мажбуриятларни



бажармаса, шунингдек қарзнинг таъминоти қарз берувчи жавобгар бўлмаган вазиятларда йўқотилса ёки унинг шартлари ёмонлашса, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасини муддатидан олдин қайтаришни ва тегишли фоизларни тўлашни талаб қилишга ҳақли. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 13/150-сонли қарори (кейинги ўринларда Пленум қарори деб аталади)да тушунтириш берилган.

Шу сабабли суд, даъвогарнинг жавобгардан муддати келмаган 582 578 333 сўм асосий кредитни ундириш тўғрисидаги даъво талабини асосли деб ҳисоблайди ва жавобгар томонидан муддати ўтган кредит қарзи ва фоиз қарздорлик суд мажлиси кунига қадар тўлиқ тўлаб берилганлигини инобатга олиб, даъвогарнинг жавобгардан муддати ўтган 100 286 359 сўм асосий кредит ва 15 511 000 сўм фоиз қарздорликни ундириш тўғрисидаги даъво талабини қаноатлантиришдан рад этишни лозим топади.

Бундан ташқари, даъвогар муддатидан олдин муддати келмаган кредит, муддати ўтган кредит ва фоиз қарздорлик бўйича ундирувни қўшимча жавобгарга тегишли гаров мулкига қаратиш ва ушбу мулкни савдолардаги бошланғич сотув нархини белгилаш бўйича тушунтириш беришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, кредит қайтарилши таъминоти сифатида қўшимча жавобгарга тегишли бўлган Сирдарё вилояти, Гулистон туман, “Аҳиллик” МФЙ, “Бўстон” кўчаси, 70-уйда жойлашган кадастр рақами 12:02:04:05:01:0608 бўлган “Мебел ишлаб чиқариш цехи ва ёрдамчи биноси гаровга қўйилган бўлиб, бу ҳақида тарафлар ўртасида 2021 йил 18 августда ипотека шартномаси тузилган. Мазкур ипотека шартномалари тегишли тартибда нотариал тасдиқланган ва давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бундан ташқари, тарафлар ўртасида 2021 йил 16 августда тузилган келишув далолатномаси кўра, тарафлар гаровга қўйилган мулк қийматини жами 1 000 000 000 сўмга келишган.

“Ипотека тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 36-моддаси биринчи қисмига кўра, ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги, хусусан, қарз суммаси тўланмаганлиги ёхуд ўз вақтида, тўлиқ ёки қисман тўланмаганлиги натижасида вужудга келган, ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган талабларни ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулк ҳисобидан қаноатлантириш учун ундирувни, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шу мол-мулкка қаратишга ҳақли.

Ушбу Қонун 38-моддасининг биринчи қисмида, ипотекага олувчининг талаблари бўйича ундирув ипотека тўғрисидаги шартномага кўра гаровга қўйилган мол-мулкка суднинг қарори асосида қаратилиши, 39-моддасининг иккинчи қисмида эса, гаровга қўйилган мол-мулкнинг кимошди савдосидаги бошланғич сотув нархи ипотекага қўювчи ва ипотекага олувчи ўртасидаги келишув асосида белгиланиши қайд этилган.

Тарафлар ўртасида тузилган 2021 йил 16 августда тузилган келишув далолатномасига кўра, тарафлар гаровга қўйилган мулк қийматини жами 1 000 000 000 сўмга келишган

Юқорида қайд этилган Пленум қарори 23-бандида, гаровга қўйилган мол-мулкнинг ким ошди савдоси бошланадиган вақтдаги бошланғич сотиш баҳоси суд қарорида белгиланмайди. Шунга кўра, агар даъво аризасида гаровга қўйилган мол-



мулкнинг ким ошди савдоси бошланадиган вақтдаги бошланғич сотиш баҳосини белгилаш ҳақида талаб мавжуд бўлса, суд ҳал қилув қарорининг асослантурувчи қисмида ушбу мол-мулк гаров (ипотека) тўғрисидаги шартномада кўрсатилган нарх бўйича реализация қилиниши тўғрисида тушунтириш бериши лозимлиги қайд этилган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган Қонун талаблари ва Пленум қароридаги тушунтиришларга риоя қилиб суд, даъвогарнинг муддатидан олдин муддати келмаган кредит, муддати ўтган асосий кредит ва фоиз қарздорлик бўйича ундирувни қўшимча жавобгарга тегишли гаров мулкига қаратиш тўғрисидаги даъво талабини қаноатлантиришни, гаров мулкни савдолардаги бошланғич сотув нархини белгилаш бўйича тушунтириш бериш тўғрисидаги даъво талабини қаноатлантиришдан рад этишни лозим топади.

Шу билан бирга суд, давлат божи ва почта харажатни ундириш масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 116, 118-моддасига мувофиқ, давлат божи ва почта харажатини жавобгар зиммасига юклашни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 112, 113, 114, 118, 170, 176-179, 180-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р к и л д и :

Йнинг даъвогар Ўзбекистон Республикаси “В” акциядорлик жамияти манфаатида киритган даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар “Ф” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан даъвогар Ўзбекистон Республикаси “В” акциядорлик жамияти фойдасига муддати келмаган 582 578 333 сўм асосий кредит қарздорлик ҳамда олдиндан тўланган 21 600 сўм почта харажати ундирилсин.

Ундирув тарафлар ўртасида 2021 йил 18 августда ипотека шартномаси ва 2021 йил 16 августда тузилган келишув далолатномаси кўра, қўшимча жавобгар “П” масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган Сирдарё вилояти, Гулистон туман, “Ахиллик” МФЙ, “Бўстон” кўчаси, 70-уйда жойлашган кадастр рақами 12:02:04:05:01:0608 бўлган “Мебел ишлаб чиқариш цехи ва ёрдамчи биносига қаратилсин.

Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Жавобгар “Ф” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан Республика бюджети ҳамда Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига 14 760 391,62 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф шу суд орқали Сирдарё вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериши (прокурор протест келтириши) мумкин.

Судья

М.Тоғаев

